ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА МАВЖУД ЁРДАМЧИ УСТАХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жамшид Тожиев
Жиззах политехника институти
tojiyevjamshid1992@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола автотранспорт корхоналаридаги ёрдамчи устахоналар фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида келтириб ўтилган. Мақоладан кўзланган асосий мақсад автомобилларнинг техник носозликларини тезлик билан бартараф этиш, техналогик талаблардан келиб чиққан ҳолда бузулмасдан ишлаш ва уларнинг техник ҳолатини узайтиришдан иборат. Мақолада электр жиҳозлар, инжектор ва дизел жихозлари, стентларда текшириш ишлари, аккумлиятор батарекалари ва бошқалар келтирилиб ўтилган . **Калит сўзлари:** ёрдамси устахоналар, двигател, автомобил, стентлар, техник хизмат, аккумлятор батарея, детал, радиатор, шина, корхона, узел, радиатор.

ORGANIZATION AND IMPROVEMENT OF TECHNICAL SHOPS AT MOTOR TRANSPORTATION ENTERPRISES

ABSTRACT

The article is devoted to further improving the efficiency of auxiliary shops of transport enterprises. The main goal of the article is to quickly eliminate technical malfunctions of cars, work without damage according to technological requirements and prolong their technical condition. This article covers electrical equipment, injectors and diesel equipment, stent testing, batteries, and more.

Keywords: auxiliary shops, engine, car, stents, service, battery, part, radiator, tire, enterprise, unit, radiator

КИРИШ

Ёрдамчи устахоналар шундай жойки хизмат ишлари автомобилда эмас, балки ечиб олинган детал, узел ва агрегатларда ўтказилади. Ёрдамчи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

устахоналар таъмирлаш майдончаларида бажариладиган айрим ишларни махсус жиҳозлар ёрдамида бажаришга мўлжалланган.

Ёрдамчи устахоналар сантехник ишлар кўлами, техника хавфсизлиги талабларидан келиб чиқиб алоҳида хоналарга жойлаштириш керак.

Корхоналарда ёрдамчи устахоналар кўп функцияларни бирлаштиради. Улар алоҳида хоналарда жойлашиши шарт эмас, уларнинг автомобилларини жихозларини автомобилларнинг ҳаракатланишини қисқартирган ҳолда хизмат кўрсатиш майдончалари худудида жойлаштирилади, уларнинг технологик вазифаларига (функцияларига) электр жиҳозлари ва таъминлаш тизими жиҳозларини ростлаш; таъмирлаш автомобилдан чиқарилган айрим деталларни текшириш; металларга ишлов бериш ишлари киради.

Электр жихозлари ва ускуналарини текшириш ва таъмирлаш устахоналари ўртача ва йирик хизмат кўрсатиш станцияларида ташкил этилади. Технологик талабларга ва тозаликни сақлаш талабларига кўра уларни алоҳида жихозларга жойлаштирилади.

Бу устахоналарнинг технологик вазифаларига қуйидагилар киради: автомобилдан ечиб олинган генераторларни стентда синаш ва таъмирлаш; стартер релеларини ўт олдириш свечаларини тозалаш; автомобилдан ечиб олинган сигнал (огоҳлантириш) мосламаларини текшириш, ростлаш, таъмирлаш; автомобилларни электр ускуналарини текшириш ва таъмирлаш; спидометр, мой ва совитиш суюқлиги харорати кўрсатгичларини, мой босими кўрсатгичини текшириш ва таъмирлаш.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Техник хизмат кўрсатишда фойдаланиладиган жихозларни текшириш ва таъмирлаш; токсометрларни текшириш.

Инжектор ва дизел жихозлари устахонаси ўртача ва йирик ХК станцияларида бўлиши мумкин. Юқори технологик, ёнғинга қарши талаблар ва тозаллик талабларига боғлилиги туфайли улар учун алоҳида иморатлар бўлиши зарур.

Бундай устахоналарнинг вазифалари қуйидагилар: карбюраторларни стенда текшириш ва ростлаш; карбюраторларнинг оддий элементларини (жикллерларни, дроссел заслонкаси ўқи ва б) алмашлаш; дизел двигателларини ёқилғи насосини текшириш ва ростлаш. Дизел двигател ёқилғи насослаини оддий двигателларини алмаштириш галовка клапанлари, пружиналар ва б).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

Аккумлятор батареяларини зарядка қилиш хонаси корхоналарда ташкил этилади. Мехнат мухофазаси ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига кўра улар бошқа хоналардан ажратилиши керак. Кўпинча уларни иморатлар гурухи шаклида ташкил қилинади. Иморат айвонидан аккумлятор кислотаси омборига, зарядлаш оқимига, аккумляторларга қараш хонасидан бир йўла аккумлятор батареялари омбори сифатида фойдаланиш мумкин.

Аккумляторларни зарядлаш хонасида автомобилдан ечиб олинган аккумлятор батареяларини зарядлаш, янги аккумляторни жамлаш, дистерланган сув қуйиш, кислота қуйиш, аккумляторларни жамлаш ва алмаштириш фондини ташкил этиш амалга оширилади.

Аккумляторга қаров ўтказиш хонаси: аккумлятор батареяларини зарядлаш хонасига қўйиладиган техника хавфсизлик қоидаларига амал қилган холда бошқа хоналарда ажратиб жойлаштирилади. Унинг вазифасига автомобиллардан ечиб олинган аккумляторларга қаров ўтказиш, уларни текшириш, майда қисмларга ажратмасдан ўтказиладиган таъмирлашлар ўтказилади.

Шина ва камераларни таъмирлаш устахонаси ХК линиясида ташкил этилади, аммо уларни шина омборлари яқинига жойлаштирилади, чунки унга транспорт воситалари асосий иморатларни айланиб ўта олиши керак.

Корхоналарда устахона ичида ёки унга кириш жойида баъзан, шиналарни ечиб олиш ва ўрнатиш учун алоҳида ёпиқ туриш жойлари ташкил этилади. Бундай устахоналарнинг вазифаларига қуйидагилар киради: автомобиллардан ечилган шиналарни дискдан ажратиб олиш; шиналар ва камераларни кўздан кечириш, шикастланганларини таъмирлаш, камерасиз шиналардаги нуқсонларни таъмирлаш, шиналардаги ҳаво босимини текшириш ва уларни дамлаш, ғилдиракларни статик ва динамик мувозанатлаш (балансировка).

НАТИЖАЛАР

Механик бўлим зарур бўлиб, қолган техник участкалар билан биргаликда қурилиши мумкин. Механик участкада (бўлимда)бажарилиши мумкин бўлган операциялар турлари мавжуд станоклардан келиб чиқиб белгиланади. Юқори нархлар ва станокларнинг доимий юкланмаслигини ҳисобга олиб, ҳар бир алоҳида холат учун алоҳида жихозлар нархини ташкил этишни талаб этади. Механик участканинг ўзига хос технологик вазифалари қуйидагилар: тормоз барабанлари ва калодкаларини ўзаро мослаштириш; турли болтлар ва втулкалар тайёрлаш; ейилган ризбаларни тиклаш; пайвандлаб тикланган ўқлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

ва шкивларни мослаштириш; айланувчи қисмларни кўздан кечириш ва оддий деталларни (подшипниклар, ступицалар (гупчаклар) втулкалар ва бошқалар) тайёрлаш; валдаги шпонка кўзларини очиш; турли клапанларни жилвирлаш ва мослаштириш; цилиндрларни жилвирлаш ва мослаштириш.

Деталларни таъмирлаш технологик участкаси; улар автомобиллардаги ечиб олинган деталлар ва майда узелларни таъмирлашга мўлжалланган бўлиб алоҳида хоналар талаб этилмайди.

Устахонанинг ўзига хос технологик вазифаларига қуйидагилар киради: шатун ва поршенни йиғиш, подшипникларни ўрнатиш, ҳалқаларни ўрнатиш; клапанларни жилвирлаш; сув ва мой насосларини деталларини алмаштириб таъмирлаш ва стенда текшириш; ечиб олинган олдинги кўприкларни тўғрилаш; ечиб олинган олдинги кўприкларни деталларини алмаштириш йўли билан таъмирлаш; тормоз, тормоз камераси, ишчи цилиндр деталларини таъмирлаш; тормоз колодкаларини таъмирлаш (функционал покладкалар алмаштириш); рессор қатламларини алмаштириш; турли дедалларни мувозанатлаш; юмшоқ ва қаттиқ кавшарлаш.

Радиатор бўлими алохида ташкил этилади. Меҳнат мухофазаси нуқтаи назарида бўлим алоҳида иморатга жойлаштирилади.

Радиатор бўлимининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар: автомобилдан ечилган радиаторларни кўздан кечириш ва ювиш; носоз радиатор ва секцияларни таъмирлаш; бўғизларни патрубкаларни алмаштириш; қўйиш бўғизларни тайёрлаш; ўтказувчи трубаларни ва уловчи бўғизларни тайёрлаш; юқори ва пастки радиатор идишларини кесиб олиш кавшарлаш; таъмирланган ва янги деталларни қайта кавшарлаш; таъмирланган радиаторларни юқори босим остида текшириш; бошқа туникасозлик ишларини амалга ошириш.

Қоплаш устахонаси қўшимча бўлим бўлиб, кузов таъмирлаш цехи таркибига киради ва алоҳида иморатда жойлашади.

Қоплаш устахонасининг асосий технологик вазифаларига қуйидагилар киради: автомобил ўтирғичларини таъмирлаш; автомобил кузови ва эшикларни ички қопламаларини таъмирлаш ва алмаштириш; радиатор чеккаларини таъмирлаш ва тайёрлаш; пол гиламчаларини таъмирлаш ва тайёрлаш; ойналарни таъмирлаш ва алмаштириш; қистирмалар ва зичлагич резиналарни тайёрлаш.

Деталларни ювиш хонаси-агрегатларни таъмирлаш ускуналари билан жихозланган хонада ташкил этилади. Хонада агрегатларни ювиш, мой ва бошқа

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

ифлосликлардан тозалаш. Уларда электр токи ёрдамида иситиладиган, даврий ишлайдиган, даврий ишлайдиган ювиш қурилмалари ишлатилади.

Ювиш воситаси сифатида кучсиз ишқорли эритмалар ишлатилади. Агрегатларни ташқи томондан ювиш учун юқори босимда, иссиқ сув билан ювиш қурилмаси ишлатилади. Ходимларни малакавий тайёргарлигини ошириш учун ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ташкил этилади. Устахонанинг хоналари ва уларнинг ўлчамлари ўқув гуруҳларининг сонига боғлиқ бўлади. Касбий тайёргарликнинг энг кам муддати 3 йил ҳисобланади. Биринчи йилда ўқувчиларга умумназарий фанлар ва амалий билимлар берилади, иккинчи йилда автомобилларнинг қисмлари конструкцияси билан топилади, учунчи йил давомида автомобилнинг ўзида ТХК операциялари ва таъмирлаш ишлари билан устахоналарда шуғулланадилар. Катта ўқув устахоналарида алоҳида ремонт постлари ташкил этилади. Бажариладиган ишлар турига қараб режали огоҳлантирувчи таъмирлаш устахоналар ҳам технологик бўлимларга киради. Бу устахоналар вазифалари қуйидагилар: хизмат кўрсатиш станциялари технологик воситаларни (машиналар ва жиҳозлар) техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш; сантехник жиҳозларни қисман таъмирлаш ва ТХК; мураккаб бўлмаган деталларни тайёрлаш; иншоотларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, масалан дераза ромларини мойлаш, полларни таъмирлаш ва алмаштириш ва бошқалар.

Ёрдамчи устахоналарни ҳисоблаш. Юқорида келтирилган ёрдамчи устахоналар вазифалари тахлилидан кўриниб турибдики, уларда бажариладиган операцияларнинг ёрдамчи устахоналарни ҳисоблашда хизмат кўрсатувчилар сони ва солиштирма майдондан келиб чиқиш мумкин эмас. Ёрдамчи устахоналарнинг майдонлари технологик жиҳозларнинг ўлчамлари ва у билан боғлиқ ўрнатиладиган майдонларни, материалларнинг ташилиши йўналишлари ва техника хавфсизлиги талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Шунинг учун устахоналар майдонларини ҳисоблашда кампановка жиҳозларни жойлаштирш усулидан фойдаланилади.

МУҲОКАМА

Технологик воситаларни қўллаш устахоналар саноат корхоналаридан кўра камроқ бўлади ёки бу жиҳозни қўллаш, улардан фойдаланиш 30 % кам бўлмаганда асосланган ҳисобланади. Баъзан фойдаланиш даражаси кам бўлган ҳолларда ҳам асосий операцияларни бажариш учун зарур бўлса фойдаланиш тавсия этилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

Айрим хоналар, масалан аккумлятор батареяларни зарядлаш хонаси алоҳида ҳисоблаш усулини талаб қилади. майдоннинг кенглиги бундай хоналар учун, зарядлаш токи катталигига яъни бир пайтда зарядланадиган аккумляторлар сонига боғлиқ. Умум фойдаланиш ўқув устахоналари 1,5 $м^2$/киши, ремонт постлари мавжуд ўқув устахоналарида 2,5 $м^2$/киши бўлиши мумкин.

Устахоналарни технологик лойиҳалаш даврида айрим қўшимча маълумотлардан ҳам фойдаланиш керак (муҳитнинг ва сувнинг ифлосланиши ва бошқалар). Технологик майдонларни лойиҳалаш учун зарур маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Технологик майдонлар ҳақида маълумот.

1-жадвал

№	Технологик майдон номи	Технологик майдон сони	ХКС постлар сони				Ўртача майдон,$м^2$				Харорат ^0C	Суний вентилация	Оддий шамоллатиш	Ёритилганлик , лк	Ёруғлик тақсимланиши	Девор ва пол қопламаси
			Майда	Кичик	Ўртача	Катта	Майда	Кичик	Ўртача	Катта						
1	Кузовни ювиш	1	1	1	1	1	40	90	120	210	10	+	-	40	0,25	намлик
2	Шассини ювиш	2	1	1	1	2	40	40	40	80	10	+	-	40	0,25	намлик
3	ХК постлари	3	1	1	2	2	30	40	60	80	16	+	-	80-150	0,30	сирғанм айдиган
4	Таъмирлш ва қаров постлари	4	1	6	12	36	50	220	600	1500	16	+	+	80-150	0,30	сирғанм айдиган
5	Кузовни таъмирлаш	5	-	-	3	4	-	-	120	160	16	+	+	80-150	0,30	Бетон
6	Бўяш устахонаси	6	-	-	1	2	-	-	60	100	24	+	+	300 - 500	0,40	Учқун чидамли
7	Қўшимча устахоналар	7	-	-	-	-	30	40	-	-	16	+	-	150 - 300	0,30	сирғанм айдиган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

8	Электр ускуна ва жихозлари	8	-	-	-	-	-	-	20	50	18	-	-	150 - 300	0,30	Сирғанм айдиган
9	Карбюратор, дизел жихозлари	9	-	-	-	-	-	-	15	40	16	+	-	80-150	0,30	Учқун чидамли
10	Аккумлятор зарядлаш	10	-	-	-	-	-	10	15	20	10	+	-	40	0,25	Кислотага чидамли
11	Аккумлятор хизмат кўрсатиш	11	-	-	-	-	-	-	-	12	16	+	-	80-150	0,30	Сирғанма йдиган
12	Шина ва камера таъмирлаш	12	-	-	-	1	-	-	-	80	10	+	-	80-150	0,25	Сирғанма йдиган
13	Механика участкаси	13	-	-	-	-	-	-	40	80	18	-	-	150 - 300	0,25	Бетон
14	Деталларни таъмирлаш	14	-	-	-	-	-	-	30	60	18	-	-	150	0,30	Бетон
15	Радиатор устахонаси	15	-	-	-	-	-	-	-	20	16	+	+	80-150	0,30	Кислотага чидамли
16	Қоплаш устахонаси	16	-	-	-	1	-	-	25	40	18	+	-	150	0,35	Сирғанма йдиган
17	Деталларни ювиш устахонаси	17	-	-	-	-	-	-	-	15	10	+	+	40	0,25	Ишқалани шга чидамли
18	Ўкув устахонаси	18	-	-	-	1	-	-	50	16	18	+	-	80-150	0,30	Сирғанма йдиган
19	РОТ устахонаси	19	-	-	-	-	-	20	30	40	16	+	+	80-150	0,30	Бетон
20	Ишлаб чиқариш омбори	20	-	-	-	-	60	100	130	160	10	-	-	60	0,25	Бетон

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

	Жиҳозлар омбори	21	-	-	-	-	-	-	10	20	5	-	-	20	0,25	Бетон
22	Ускуна тарқатиш омбори	22	-	-	-	-	-	-	20	40	15	-	-	60	0,25	Бетон
23	Асбоблар омбори	23	-	-	-	-	-	-	-	20	15	-	-	80	0,25	Бетон
24	ЁММ омбори	24	-	-	-	-	-	10	10	20	5	+	-	40	0,25	Учқун чидамли
25	Шиналар омбори	25	-	-	-	-	-	10	30	50	10	+	-	40	0,25	
26	Бўёқлар омбори	26	-	-	-	-	-	-	6	10	10	+	-	300 - 500	0,4	
27	Кислата омбори	27	-	-	-	-	-	-	6	6	5	+	-	20	0,25	
28	Иситилмайдиган омбор	28	-	-	-	-	20	40	60	100	-	-	-	20	0,25	

Стелажли сақлаш усули қўлланилганда омборхона майдонларидан фойдаланиш даражаси 30-60 % га етади. автотранспорт корхоналари учун хос равишда сақланадиган моллар мақбул усулда сақлаш имкониятини беради.

Омборхоналарни жойлаштиришда уларнинг устахона ва цехлар билан алоқаси, махсулотларни тўсиқларсиз қабул қилиш имконияти, оптимал транспорт йўллари ҳисобга олиниши керак.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда автотранспорт корхоналаридаги ёрдамчи устахоналар фаолияти самарадорлигини янада ошириш. Автомобилларнинг техник носозликларини тезлик билан бартараф этиш, техналогик талаблардан келиб чиққан ҳолда бузулмасдан ишлаш ва уларнинг техник ҳолатини узайтиришда юқори самара беради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

тўғрисида» 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарори) Тошкент ш.,2019 йил 9 апрел. 292-сон қарори.

2. Солиев Э.А, Қулмухаммедов Ж.Р., Адилов О.К, Назаров К.М. “Йўл харакат қоидалари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш асослари”. Т. Хондамир- пресс. 2014й 108-б.

3. Бегматов, Б. Я., & Ҳаққулов, Б. А. (2020). кафолат даврида автомобилларнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3).

4. Бегматов, Б., Хдккулов, Б., & Хдккулов, К. (2020). Транспорт воситаларини синаш усуллари тахлили. *Academic research in educational sciences,(3)*.

5. Бегматов, Б., & Эшонқулов, М. (2021). Иссиқ иқлим шароитида автомобил двигателларининг ишлаш хусусиятларини аниқлаш усуллари таҳлили. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).

6. Бегматов, Б. Я., & ўғли Холиқов, Д. Р. (2021). автотранспорт корхоналари мисолида автомобиллар техник ҳолатининг ҳаракат хавфсизлигига таъсирини баҳолаш. *Academic research in educational sciences*, *2*(1).

7. Бегматов, Б. Я. (2020). техника олий таълим муассасаларида талаба амалиёти тадқиқи. *Academic research in educational sciences*, (3).

8. Бегматов, Б. Я., & Ҳамроқулова, Ш. П. Қ. (2021). ички ёнув двигател деталларини қурум босишини текшириш. *Academic research in educational sciences*, *2*(1).

9. Адилов, А. К., Сувонкулов, Ш. А., Кулмурадов, Д. И., Умиров, И. И., & Бойжигитова, И. А. (2019). Причины изменения технического состояния автомобиля. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-2), 116-118.

10. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. У. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. *Academic research in educational sciences*, (1).

11. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. (2020). Улучшения эксплуатационных показателей двигателей газобаллонных автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (3).

12. Нуруллаев, У., Абдиев, А., & Эгамназаров, Н. (2021). Тоғли ҳудудларни автомобиль йўлларини қишки сақлаш шароити бўйича туманллаштириш. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).

13. Нуруллаев, У., Отақулов, З., & Эгамназаров, Н. (2021). Қиш мавсумида автомобиль йўлларининг ўтказиш даражасига қўйиладиган талаблар. *Academic research in educational sciences*, *2*(2).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01036

14. Умиров, И. И. Ў., & Ҳамракулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашиши. *Academic research in educational sciences*, (1).
15. Azimov, A. (2020). avtomobilsozlik sanoatida polimer va kompozit materiallardan foydalanishning samaradorlik ko'rsatgichlari. *Academic research in educational sciences*, (1).
16. Азимов, А., & Хамроев, Д. (2021). Диагностика двигателя автомобиля по стандартным нормам шума. *Academic research in educational sciences*, *2*(3).
17. Azimov, A., & Muxtarov, A. (2021). yo'lovchi tashuvchi avtotransport korxonalarining samaradorligini belgilovchi omillar tahlili. *Academic research in educational sciences*, *2*(4), 1395-1340.
18. Тожиев, Ж. З. Ў. (2020). кафолат даврида бузилишларни олдини олиш мақсадида автомобилнинг техник ҳолатини текшириш. *Academic research in educational sciences*, (3).
19. Эрназаров, А. А. (2019). Необходимость применения систем автоматизированного проектирования при обучении студентов инженерных специальностей высших учебных заведений. *Вестник науки*, *1*(11), 20-26.
20. Odilov, N. (2020). The analysis of the development of gas cylinder supply system. *Academic research in educational sciences*, (3).
21. Odilova, S. S. Q., & Odilov, N. E. O. (2021). Muqobil yonilg'ilardan motor yonilg'isi sifatida foydalanish istiqbollari. *Academic research in educational sciences*, *2*(1).